

Туркияда 210 нафар Қуръон ҳофизига диплом топширилди



12:10 / 08.04.2019 2320

Туркиянинг Сакария вилоятида Қуръони карим ҳофизларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради trtotmani.com ахборот сайти.

Хабарда айтилишича, тадбир Туркия Диёнат ишларининг Ёшлар маркази томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Диёнат ишларининг раҳбари Али Эрбош ҳазрат қатнашган. Тадбирда ёш ҳофизлар, уларнинг ота-оналари ва устозларини самимий табриклаган Али Эрбош ояту ҳадислардан намуналар келтириб жумладан шундай деган: “Ҳадисларда умматнинг яхшиси Қуръони каримни ўрганган ва ўргатадиганлари ҳақида хабар келган. Аллоҳнинг ваҳийси бўлмиш, Қуръони карим инсониятни қороғуликдан ёруғликка олиб чиқди. Қуръони карим барча пайғамбарларга туширилган хабарларнинг умумлаштирган китобдир.

Ислом дини эса инсониятга тинчлик ва хотиржамликда ҳаёт кечириш кафолатини берувчи диндир”.

Шунингдек, у ўз нутқида «Ёш авлодимизга қанчалик эътибор қаратадиган бўлсак, ўз келажагамиз ҳақида шунчалик қайғурган бўламиз», деб таъкидлаб ўтган.

Тадбирда Сакария вилояти ҳокими, Сакария университети ректори ва бошқа расмий доира вакиллари иштирок этган. Маросимда 210 нафар Қуръони карим ҳофизларига махсус диплом ва совғалар топиширилди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**